

ЭРКИН ВОҲИДОВНИНГ “СЎЗ ЛАТОФАТИ” КИТОБИ УМРБОҚИЙЛИГИ

Сапура Нейматова, Шукрулло Жўраев

Жиззах ДПИ ўқитувчилари

Аннотация

Мақолада Эркин Воҳидов ижодининг ўзига хос жиҳатлари ва айрим муҳим қирралари “Сўз латофати” асари мисолида таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Эркин Воҳидов феноменининг, Сўз оламига саёҳатдир, Осмон, фалак, само, чарх, гардун, фазо, Байналмилал сўзларни, ўзбек тилимизнинг софлиги.

Аннотация

В статье описана Эркин Воҳидов ижодининг ўзигаў хисга хайхатлари и Айри қрылатлари критического литературного произведения “дня латофати”, например, анализ этилгана.

Феномен Эркина Ваҳидова, путешествие в мир слов, небо, Сокол, само, колесо, гардун, космос, интернациональные слова, чистота нашего узбекского языка.

Abstrakt

In the article, the peculiarities of Erkin Vohidov's creativity and some important aspects are analyzed by the example of the work “Word anecdote”.

Keywords: The phenomenon of Erkin Vohidov, a journey into the world of words, the purity of the sky, the Falcon, the sky, the charm, the Gardon, the space, the International word, the purity of our Uzbek language.

Асрлар бўйи ўз эрки учун курашган матонатли халқимизнинг шонли тарихи улуғвор бўлганидек, унинг тили ва адабиёти ҳам бой ва юксаклиги билан дунё тамаддунида алоҳида ўрин тутди. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Бизнинг ҳавас қилса арзий диган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аجدодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзий диган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам, албатта, бўлади”¹.(1)

Нафақат юртдошларимизнинг, балки минглаб хорижлик мутафаккирларнинг ҳам яқдил фикрини ифодалаган бу таъриф мумтоз адабиётимиз ва тилимизга қанчалар муно сиб бўлса, XX аср ўзбек адабиётига нисбатан ҳам шундай ташбеҳни қўллаш хато бўлмайди. Тарихимиз ва адабиётимиз шуҳратини чет элларга ҳам ёйишга катта ҳисса қўшган ёрқин талант соҳибларидан бири - Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовдир.

Ўзининг бетакрор шеър ва ғазаллари, етук комедия ва дostonлари, беқиёс ҳажвиёти ва таржималари ҳамда теран нутқ ва мақолалари билан халқимиз қалбидан жой олган Эркин Воҳидов номини билмайдиган ва унинг дурдона асарлари кириб бормаган бирон шаҳар ё қишлоқ, бирон хонадон йўқ десак, асло муболаға бўлмайди (О.Шарафиддинов). Эркин Воҳидов ижодининг халқимизга бу қадар манзур бўлиши ва истеъдодларга бой бўлган адабиёт оламида бундай юксак шарафга сазовор бўлишининг асосий сабаб ва омиллари нимада? Бу саволларга жавобни ва Эркин Воҳидов феноменининг ўзига хос жиҳатлари ва ижодининг айрим муҳим қирраларини “СЎЗ ЛАТОФАТИ” номли асари мисолида ҳам ёритиш мумкин. Шоир ижодида инсон ва жамият ҳаётининг кўплаб муҳим муаммолари чуқур, реал акс этганлигини тадқиқ этиш, шубҳасиз адабиётшунослик ва маънавиятимиз учун ҳам долзарб вазифалардан бўлиб саналади.

Эркин Воҳидов сингари юртпарвар ва жасоратли шоир ва ёзувчиларимиз мустабид туз умнинг таъқиқ ва тазйиқларига қарамасдан, халқимизнинг буюк

¹ *Ш.М.Мирзиёев. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш- халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувидаги маърузаси. “Жаҳон адабиёти”. №8.2017,8-б.

тарихий ўтмишини ҳаққо ний тасвирлашга эришганлиги бугунги ижодкор ёшларимиз учун ҳам ибратлидир. Шоир нинг биргина “Ўзбегим” қасидаси халқимизнинг ўзлигини англашида ва ўзига ишончини оширишда тенгсиз роль ўйнаганлиги айна ҳақиқатдир. Бу қасида шеърятимизнинг юк сак бир чўққиси бўлиши билан бирга ҳукмрон коммунистик мафкура ва мустабид тузум учун хавfli бир маънавий кучга айланганини кўплар фахр билан эслашади.

Эркин Воҳидов истеъдодининг яна бир ёр қин қирраси, жўшқин ижтимоий ва адабий фаолиятининг ибратли бир йўналиши унинг публицистик асарларида, яъни мақола ва нутқ- суҳбатларида намоён бўлган. Айниқса, ўзбек тилимиз ривожига ва истиқболи борасида Эркин Воҳидов фаолияти ва унинг “СЎЗ ЛАТОФАТИ” каби асарлари алоҳида эътиборга лойиқ. 2014 йили китобхонларга тақдим этилган ва 2018 йили янада тўлдирилиб, бойитилиб қайта нашр этилган “Сўз латофати” асари адабий ва маънавий ҳаётимизда қувончли бир воқеа бўлди. Китоб аллақачон халқимизнинг маънавий-руҳий мулкига айланиб, тафаккурини бойитишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Томчида қуёш акс этгани каби бу асарда ўзбек тилимиз олами намоёндыр.

Адабий ижод-дейди Эркин Воҳидов - ҳамиша Сўз оламига саёҳатдир. Буюк мутафаккирлар таъкидлаганидек, адабиётнинг асосий қуроли тилдир. Бадиий адабиёт “сўз санъати” деб таърифланишида ҳам катта асос ва мантик бор. Шу боис ҳам барча улуғ адиблар бадиий асар тилига ва ундаги ҳар бир сўз ва иборага алоҳида эътибор билан қарашган. Бу қутлуғ адабий-эстетик анъаналар Эркин Воҳидов каби забардаст замондош адибларимиз томонидан ижодий давом эттирилаётганлиги ҳам миллий тилимиз ва бадиий сўз санъати ривожининг муҳим бир омили эканлигидан далолат беради.

Устоз шоиримиз айтганидек, она тили умуммиллат мулкидир. Демак, тил олдидаги маъсулият ҳам умуммиллий. Мен ўзбекман, деган ҳар бир инсон ўзбек тили учун қайғурмоғи керак. Дарҳақиқат, бир миллатни йўқотиш учун уни қириб ташлаш шарт эмас, балки тили ва тарихий хотирасидан жудо қилиш кифоя экан. Адабиёт ва шеърятда тил ва тарихий хотира мужассам бўлади. Навоий замонида ҳар бир илмли инсонга маълум-маш ҳур ривоятлар,

пайғамбарлар қиссалари, тасаввуф ақидаларини, афсуски, машъум сиёсат туфайли ўргана олмаганмиз ва Навоий тилини луғатга қараб тушунсак-да, мазмун-моҳиятини, нозик санъатини англашга қийналамиз. Аслида, ўзбек тилимиз ва адабиётимизни дунё миқёсида тараннум этган ва халқимиз маънавиятининг шаклланишига бениҳоя кучли ва самарали таъсир кўрсатган ва эндиликда янада қадрланаётган беназир сиймо бу, шубҳа сиз, Навоийдир. Шу муносабат билан муҳим бир ҳақиқатни эътироф этиш жоиз.

Мумтоз адабиётимиз бўйича жиддий тадқиқот олиб бораётган юзлаб адибу тилшунос ва адабиётшунослар орасида Ўзбек тилимизга Давлат тили мақоми берилишида алоҳида жонбозлик кўрсатган ва Навоийнинг тенгсиз сиймоси, беқиёс ижоди ва санъаткорлиги ҳақида Эркин Воҳидовчалик теранлик ва шарқона нуқтадонлик билан ёза олган ижодкор камдан-кам топилса керак. Навоий асарларидан илҳомланиб, улуғ мутафаккиримизнинг тилшунослик ва адабиётшунослик соҳасидаги қутлуғ анъана ва сабоқларини ҳам ижодий давом эттирган ҳассос шоиримизнинг ушбу асаридаги кўплаб ноёб сўз-иборалар ва шеърий мисралар таҳлили орқали бунга яна бир қарра гувоҳ бўламиз. Дарҳақиқат, унутилган сўзларимизни тиклаш, борини бойитиб бориш, хорижий атамаларга муносиб истилоҳлар топиш фақат тилшунос мутахассисларнинг эмас, бутун миллатнинг ишидир. Тилга меҳр-эътибор ҳам муқаддас бурчимиз. Болалиқдан шууримизга сингиб кетган баъзи сўзларни эслайлик: дунёдаги қайси тилда **куёш ё самонинг ўнлаб номлари бор? Осмон, фалак, само, чарх, гардун, фазо, кўк...** Бундай мисоллар тилимизда юзлаб топилади.

Ўзбек тилимизнинг бойлиги тарихий илдизларига боғлиқ. Яъни маънодош сўзлари мизнинг кўплигига сабаб - Ўзбек тили уч дарёдан сув ичган. Диний, илмий, ижтимоий, атамалар асосан араб тилидан; кўпгина иш қуроллар: **жомадон, панжшаха, хокандоз, дастшу, жомашу, дазмол, қоғоз** каби хунармандликка оид сўзларимиз, шунингдек, юксак шеърий услубга хос сўз ва изофали иборалар тилимизга форс тилидан кириб келган.

Исмларимиз ҳам маънодор. Қадим-қадим замонларда аждодларимиз куёшга, ойга, юлдуз ва сайёраларга топинганлар. Дашт-у сахролар оша олис, машаққатли йўлларда кундузи куёш, кечаси ой ва юлдузлар уларга машъала,

кибланома бўлган. Шу боис ўғлон ларининг исмини юксак орзулар билан Кунтуғмиш, Ойбек деб, қизларининг исmlарини Ойбарчин, Тўлганой, Юлдузхон, Зухро, Сурайё, Муштарий, Ситора деб атаганлар.

Китобнинг бекиёс илмий-бадиий ва тарихий аҳамияти яна шундаки, унда Кошғарий, Замахшарий ва Мирзо Ғолиб сингари буюк аждодларимиз ва давримизнинг машхур адибу уламолари ҳақида ҳам ғоят таъсирчан ва қимматли маълумотлар келтирилиши билан бирга ўзбек тилимизнинг серқирра ва сержило эканлиги намойиш этилади. Масалан, бундан икки юз йиллар аввал тақдир тақозоси билан Ҳиндистонда яшаб ижод қилган ҳамюртимиз Мирзо Асадуллохон Ғолиб теран маъноли шеърларида ўз аждодларини эслаб: “Мен асли самарқандликман, наслим Ойбеклар зотидан”, - дея ғурур билан ёзганлиги ҳар бир ватан дошимизнинг қалбини ифтихор хислари билан мунаввар қилади:

Десам, Ғолиб, ерим –пок хоки Турон,
Асил зотим билан бағрим фараҳманд.
Ўзим туркзода-ю наслим-да туркзод,
Буюклар қавми бирла асли пайванд.
Уруғ бўлмиш менга Ойбеклар аслан,
Камолан ойга нисбат, балки ўнчанд.
Отам касбин десам деҳқончиликдир,
Бобом бўлмиш заминдори Самарқанд.

Китобда неча юзлаб сўзларнинг тарихий ва этимологик таҳлилидан ташқари халқ мақоллари, маталлари ҳақидаги кузатиш ва хулосалари ҳам Эркин Воҳидовнинг ўзига хос фалсафий-донишмандоналиги билан меҳримизни тортади. Маълумки, мақол ва маталлар да ҳикмат бўлиб, у ҳикматли сўз деб аталади ва асрлар оша оғиздан оғизга кўчади. Мисол учун ҳаммамиз ёд биладиган “**Гап кўп, кўмир оз**”, деган иборани шундай шарҳлайди: “мен бунда чуқур маъно, тағдор фикр кўрмадим. Сухбат чўзилса, сандалнинг чўғи совуб қолгани учун шундай дейдиларми? Бу гапда на бадиият, на ҳикмат бор?

Ўйлашимча, бу ибора аслида **гап кўп-ку, умр оз** бўлган. Ку юкламасининг кейинги сўзга кўшилиб кетишидан **умр кўмирга** айланган. Аслиятни тикласак, дунёнинг дардини айтишга умр етмайди, деган фалсафий хулоса чиқади”². Бундай теран фикрлар шоирнинг эл-юрт орзу-умиди ва ғам-ташвишлари билан бирга ҳамнафас бўлиб яшаши самараси бўлиб юзага келади ва бу фазилат унинг жамият муаммоларига, жумладан, тилимизнинг келажаги ва тақдирига дахлдорлик туйғусини ҳам кучайтиради.

Анча йиллар аввал Эркин Воҳидов тилимиз ривожини учун ҳам жиддий бир муаммони куюнчаклик билан шундай таъкидлаган эди:” Четдан кирган сўзларни халқимиз аллақачон ўз тилига мослаб олган. Биз доктор, машина, стакан, рюмка деб ёзсак ва айтишга уринсак-да, халқ дўхтир, мошина, истакон, румка деб ишлатади ва англаб-англамай халқаро қоидаларга амал қилади. Билъакс, тилшунос олимлар сунъий қоидалар билан ўз она тилимиз қонуниятига ҳам, халқаро қонуниятга ҳам зид иш тутадилар.”

Байналмилал сўзларни моҳирона таржима қилиш ёки ўз она тилимизга мослаш, халққа қулай қилиш билан бирга бадиий адабиёт, аввало, шеърини учун зарурлигини алоҳида таъкидлайди. Дунё кезган шоиримиз хотираларидан бири бу жиҳатдан диққатга молик ва ундан ҳам ибрат олсак арзийди: “Америкада бир ёш уйғур йигитдан **“унолғи”** деган сўзни эшитдим. **Микрофон** маъносида. Жуда чиройли топилган, тил табиатидан келиб чиққан ва тез ўзлашиб кетган сўз экан.” Бундай характерли мисоллар ҳам тилимизни замон билан ҳамнафас, ҳамқадамлигини кучайтириб, уни бойитади ҳам.

Беназир шоирнинг ўзбек тилимизнинг софлиги ва ривожини учун изчил кураши ва чуқур ҳаётини ҳақиқат билан йўғрилган фикрлари миллий тиллар ривожини учун қайғуриш эҳтиёжини ва зарурати ортиб бораётган бугунги глобаллашув даврида янада долзарб ва муҳим аҳамиятга эгадир. Таниқли адабиётшунос ва услубшунос олимларимиз таъкидлага нидек, шоирнинг сўз танлаш ва қўллаш санъати ўзига хос бир маҳорат мактабидир.

² *Эркин Воҳидов. Сўз латофати. Т. Ўзбекистон. 2018. 216 б. *То куёш сочгайки нур.Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижоди замондошлари нигоҳида. Т.Ўзбекистон.2018.512 б.

Мутафаккирлар дунёда икки нарса мангу яшаб қолади. Булар- дононинг сўзию ботирнинг иши, дейдилар. Эркин Воҳидовдек ёркин талант соҳибининг сўзи ҳам-хоҳ у шеърый мисраларда бўлсин, хоҳ у теран мақола ёхуд жўшқин нутқ бўлсин- ана шундай абадиятга дахлдор маънавий- руҳий ходисалар сирасига киради. Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 7 декабрдаги қарорига асосан Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллиги мустақил юртимиз да кенг нишонланди. Фарғонада шоирнинг Уй-музейи ташкил этилди. Марғилондаги сўлим маданият- истироҳат боғига шоир номи берилди. Президентимиз қарорига асосан Эркин Воҳидов номи абадийлаштирилиб, шоирга водийда ва пойтахтимиздаги “Адиблар хиёбони”да муҳташам ҳайкал ўрнатилиши миннатдор халқимизнинг чуқур ҳурмат-эҳтироми рамзи бўлиб қолажак. Зеро, эъзозли шоиримизнинг эл-юртга, она тилимиз ва адабиётимизга меҳру-садоқатининг юксак ифодаси бўлган “Сўз латофати” каби бетакрор асарлари барчамизга эзгу бир васиятдек бўлиб, бизни ҳамиша огоҳ этиб туради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ш.М.Мирзиёев. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш-халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувидаги маърузаси. “Жаҳон адабиёти”. №8.2017
2. Эркин Воҳидов. Сўз латофати. Т. Ўзбекистон. 2018.
3. То қуёш сочгайки нур. Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижоди замондошлари нигоҳида. Т. Ўзбекистон. 2018
4. Ш.М.Мирзиёев “Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлди” Т. Ўзбекистон. 2020